

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.АКБАРОВ	
Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида	83
ТИЛШУНОСЛИК	
А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ	
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларидан бири	88
М.РАСУЛОВА, И.ҚУЧҚАРОВ	
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили	91
Ҳ.ЗАКИРОВА	
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини	94
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Б.УМУРЗАҚОВА	
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари	97
А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ	
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортнинг назарий асослари	100
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
М.НАЗАРОВ	
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида	103
Ш.ЖУМАНИЯЗОВ	
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангтасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси	105
А.АБДУХАЛИМОВ	
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари	109
И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА	
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни	112
А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА	
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли	114
С.СОДИҚОВ	
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови	116
А.САБИРДИНОВ	
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар	119
Д.ХУСЕНОВА	
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар	121
В.ГИЁСОВА	
Эртанинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матнининг кўринишларидан бири сифатида	124
М.ШОКИРОВА	
“Спорт” семали бирликлар хусусида	127
А.АСИМОВ	
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш	129
Д.ҚАМБАРОВА	
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати	133
Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА	
Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентриқ таҳлили	135
М.ДИЛБАРЖОНОВА	
Тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида	138
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПУЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА	
Тасвирий санъат машғулотлари орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципининг назарияси ва методикаси	140
Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ	
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги	142
М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ	
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишнинг жадал усули	145
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	147

УДК: 41+519.46

ТАХАЛЛУС ВА ЛАҚАБЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ХУСУСИДА

М.Дилбаржонова

Аннотация*Ушбу мақолада тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида сўз боради.***Аннотация***В данной статье рассматривается вопрос применения псевдонимов и прозвищ.***Annotation***This article deals with the usage pseudonyms and nick-names.***Таянч сўз ва иборалар:** лексема, сема, семема, семантик майдон, тушунчалар гуруҳи, тахаллус, лақаб.**Ключевые слова и выражения:** лексема, сема, семема, семантическое поле, группа понятий, псевдоним, прозвище.**Keywords and expressions:** lexeme, seme, semema, semantic field, group of concept, pseudonym, nick-name.

Тахаллус тилшуносликнинг ономастика (номшунослик) бўлимида ўрганилади. Жаҳон адабиётида тахаллус лексемаси билан ёнма-ён лақаб лексемаси ҳам ишлатилади. Айрим ўринларда бу икки лексема тенг қўлланилганлигининг гувоҳи бўламиз. Тўғри, тахаллус ва лақаб лексемалари ўртасида умумийлик мавжуд бўлиб, улар ўз семемалари орқали битта семантик майдон атрофида бирлашади, лекин уларнинг семантик мундарижаси турлича. Жумладан, тахаллус лексемаси луғатларда ўзини ўзи қутқариш, озод қилиш, халос бўлиш, шунингдек, бирор ижодкор, шоир, ёзувчи, олим ва шу каби ёки сиёсий арбобларнинг ўзи учун танлаб олган иккинчи номи [1.15] деб изоҳланса, лақаб лексемаси бирор хусусиятига кўра кишига ҳазил қилиб ёки масхаралаб берилган қўшимча ном [2.428]; кличка-лақаб, қўшимча от, ном [3.191]; айрим манбаларда эса фахрланиш, мадҳ этиш, ҳажв ва танқид қилиш [4.9] маъносида келтирилади.

Тахаллус ва лақаблар турли ижтимоий ҳодисаларга асосланиб танланган бўлиши мумкин. Масалан: сифат ва хусусиятларига ишора тарзида; машғулот ёки касбига қараб; туғилган ёки яшаган жойига нисбатан; яшаш тарзи ёки қисматига ишора сифатида; жинсига кўра ва б.

Фарб маданиятида ҳам тахаллус ва лақаблардан кенг фойдаланилади. Масалан, кўпчилик ижодкорлар фақат тахаллуслари билан машҳур бўлишган. Масалан: Стендаль — Мари-Анри Бейль, Вильям Шекспир — Бард оф Эйвон, Джордж Оруэлл - Эрик Артур Блэр, Шарлотта Бронте – Каррер Белл ва бошқалар.

Тахаллус асосан ёзувчи томонидан номини янада аниқроқ қилиш, баъзи ҳолларда жинсини яшириш (Дж.К.Роулинг “Harry Potter” асарини аёл киши ёзгани учун сотилмаслигини билиб, ўз исмини ўзгатириш) мақсадида ҳам қўлланилади. Ҳар бир муаллиф тахаллусдан муайян мақсадларни кўзда тутган ҳолда фойдаланади.

Англия ва Америкада тахаллус ёки лақаб танлаш одатда киши номини қисқартиришга асосланилган ҳолда амалга оширилади. Англияда баъзи лақаблар киши фамилияси билан боғлиқ бўлади. Масалан: "Clark" фамилиясига эга бўлган киши "Nobby", "Miller" фамилиясига эса "Dusty" лақабини олиши мумкин. Шунингдек, тахаллуслар буюк кишилар исмлари ва географик номларга қараб ҳам танланади. Масалан: Джордж Оруэлл (асл исми Эрик Артур Блэр бўлган ёзувчи) Англияга бўлган муҳаббатига асосланиб, у ўз тахаллусини танлаган. "Джордж" Буюк Британиядаги авлиё Патриқдан (Сент-Джордж), "Оруэлл" Суффолк дарёси Оруэллдан (унинг сеvimли жойларидан бири) олинган.

Бироқ тахаллус ёки лақаб (бошқа мамлакатларда истиқомат қилувчи кишиларда) турлича танланиши мумкин. Жумладан, ҳиндлар лақаб (чақириқ номи ёки меҳр намунаси) танлашда шахс номи ёки фамилиясига таянмай, муҳаббат семасига эга бўлган лексемалардан фойдаланишади. Улар танлаган лақаблар тез-тез учрайдиган ёки кам (Бабли, Даббу, Банти, Гудия, Голу, Сону, Чхоту, Ражу, Адди) қўлланиладиган сўзлардан иборат бўлади.

Австралияликлар ҳам ҳиндлар каби тез-тез такрорланадиган

лексемалардан лақаб сифатида фойдаланишади. Мисол учун, қизил сочли кишиларга "Moviy" ёки "Bluey" лақаби берилади. Узун бўйли кишига нисбатан "Shorty", озғин киши учун "Slim" лақаби қўлланилади.

Хитой халқи тахаллус ва лақабларни кўпинча қариндошлар, дўстлар ва қўшнилар даврасида қўлланади. Одатда жанубий Хитойда тахаллуслар "ā" билан бошланади, ундан кейин яна бир белги, одатда, киши исмининг охириги белгиси бўлиши мумкин. Мисол учун, тайванлик сиёсатшунос Чен Шуй-Биан (чёнйу) баъзан "ā 扁" (А-Биан) тахаллусини қўлланади. Жануби-шарқий Осиёда истиқомат қилувчи хитойлар

лақабларни танлашда бирор касб ёки мақомини эътиборга олади. Мисол учун, нон сотувчи "Мианбао Шу" 面包叔 (Uncle Bread)[5] лақабини олади.

Испан маданиятида ҳам лақаблар кенг қўлланилиб, оилавий муҳаббат тарзини ифодалайди. Масалан, "Papi" лақаби испан тилида "ота" маъносини англатади, лекин Кариб ҳавзаларида истиқомат қилувчи испан халқи одатда бу лақабни қариндоши, дўсти ёки севгилисига нисбатан муҳаббат сифатида ишлатади.

Демак, тахаллус ва лақабларни ўрганиш, жаҳон адабиёти намояндаларини яна ҳам яқинроқ билиш имкониятини яратади.

Адабиётлар:

1. O'zbek tilining izohli lug'ati. Davlat ilmiy nashriyoti. - 4-jild. –Т., 2008.
2. УТИЛ. I -том. -М.,1981.
3. Решетов В. ва б. Русча – ўзбекча луғат. - Т., 1957 .
4. Қораев Т., Воҳидов Р. Адабий тахаллуслар ҳақида. –Т.,1978 .
5. <https://en.m.wikipedia.org>.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)